

маъсуляти чекланган жамиятига қарашли хужалигида 244 бош йирик шохли ҳайвонлардан 32 бошида (13,1 %) туёқ ўсишининг борлиги аниқланди.

Аниқланган 34 бош йирик шохли ҳайвонларнинг барчасини туёқларига ортопедик ишлов берилди. Бунинг учун қорамоллар махсус станокда солиниб фиксация қилинди. Сунгра туёқ кескич қайчи билан туёқларнинг ўсган қисми кесиб олиб ташланди ва махсус пичоқ, ҳамда эговлар билан ортопедик ишлов берилди. Агарда туёғи ўсган йирик шохли ҳайвонларга вақтида ортопедик ишлов берилмаса, у албатта ҳайвонларда туёқ касалликларига олиб келади.

Хулоса. Ўтказилган илмий тадқиқот ишларининг натижаларига кўра қўйидаги ҳулосалар қилишимиз мумкин. Маҳаллий зотдаги қишлоқ шароитида парваришланаётган йирик шохли ҳайвонларнинг 1,2 фоизида туёқ ўсиши борлиги аниқланди. Хориждан келтирилган наслдор йирик шохли ҳайвонларда туёқ ўсиши 13,1 фоизни ташкил қилди. Туёғи ўсган йирик шохли ҳайвонларга вақтида ортопедик ишлов берилиши лозим агарда бундай ишлов берилмаса, у албатта ҳайвонларда туёқ касалликларига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Банников В.Н. Педилайн-новый подход к инфекционному заболеванию копытец // РацВетИнформ. Ярославль, 2007. -№ 7. –С. 15-16.
2. Волотко И., Безин А., Бутакова Н. Профилактика и лечение болезней дистального отдела конечностей коров // Ветеринария сельскохозяйственных животных. Оренбург, 2015. -1/2. –С. 40-45.
3. Гугкаева М.С., Чеходариidi Ф.Н. Комплексная терапия гнойного пододерматита у коров // Вестник ветеринарии. Казань, 2011. -№ 57. –С. 67-72
4. Журба В.А. Клинический статус крупного рогатого скота с гнойными поражениями конечностей при наружном применении Гель-этония 1% // Ученые Записки УО ВГАВМ. Витебск, 2014. -т.50. вып.1.ч.1. –С. 102-106.

ҚОРАМОЛЛАРДА ҚИСРЛИК ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ

Комилжонов С.К., Азимжонов З.Х.

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети Нукус филиали

Аннотация. Ушбу мақолада қорамолчиликда иқтисодий аҳамиятга, бугуннинг долзаб масаласи саналган қорамоллар қисрлиги, унинг хўжаликдаги иқтисодий кўрсаткичларига таъсири ҳақида маълумотлар берилган.

Калит сўзлар. Қисрлик, сут, бепуштлик, уруғлантириш, физиологик жараён, тухумдон, бузоқ, туғиши, рацион, алиментар.

Кириш. Аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига бўлган талабини янада яхшироқ қондириш Давлатимиз аграр сиёсатининг асосий жабҳаларидан бири ҳисобланади. Республикализ Президентининг қатор фармонлари ва вазирлар маҳкамасининг қарорларида аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига бўлган талабини қондириш ҳамда соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга қаратилган бўлиб чорвачиликнинг барча йўналишларини тўлиқ қамраб олган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 29- январдаги ПҚ-4576-сонли ҳамда 2021-йил 3-мартдаги ПҚ-5017-сонли қарорида чорвачилик тармоғини жадал ривожлантириш, замонавий ва инновацион услубларини жорий этиш, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва турларини кенгайтириш, шунингдек, аҳолини маҳаллий шароитда ишлаб чиқарилган сифатли ва арzon чорва маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш ҳамда чорвачиликка ихтисослаштирилган корхоналарни давлат томонидан қўллаб қувватлаш мақсади кўрсатиб ўтилган.

Мавзунинг долзарблиги. Бугунги кунда қорамолчиликни ривожлантириш, қорамолларни асраш, уларни бош сонини қўпайтиришда асосий тўсиқ бўладиган омиллар мавжуд бўлиб, улардан бирийўналишда қўп учрайдиган ва иқтисодий аҳамият касб этувчи қисрлик саналади.

Қисрлик иқтисодий кўрсаткич бўлиб, ҳайvonларнинг хўжалик йили давомида кутилганмиқдорда бола бермаслиги тушунилади.

Ҳайvonларнинг қисрлиги режадаги бола олинмаслиги, ҳайvonлар сут маҳсулдорлигининг камайиши, парвариашлаш ва озиқлантириш учун харажатларнинг қопланмаслиги, қиср ҳайvonларни бир неча марта уруғлантириш ва уларни даволаш учун харажатлар ҳисобига халқ хўжалигига катта иқтисодий зарар етказади.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Бизга маълумки, чорвадорларнинг асосий мақсади даромад олишdir. Қорамолчилик соҳаси Республикада ижтимоий аҳамиятга эга бўлган маҳсулотлар гўшт, сут, сут маҳсулотлари ҳамда ишлаб чиқариш учун ҳом ашёлар етказишида аҳамиятлиdir. Шу сабабли бизлар сўнги йилларда қорамоллар орасида кўп учраётган қисрлик ва унинг хўжалик иқтисодиётига таъсирини ўрганишни вазифа қилдик.

Олинган натижалар таҳлили. Ҳайvonларнинг қисрлиги режадаги бола олинмаслиги, ҳайvonлар сут маҳсулдорлигининг камайиши, парвариашлаш ва озиқлантириш учун харажатларнинг қопланмаслиги, қиср ҳайvonларни бир неча марта уруғлантириш ва уларни даволаш учун харажатлар ҳисобига халқ хўжалигига катта иқтисодий зарар етказади. Кўпинча зотдор қиср сигирларни барвақт подадан чиқаришга тўғри келади.

Пуштисизлик биологик хусусият, қисрлик эса иқтисодий кўрсаткич бўлиб, қуидаги тўрт жиҳатлари билан бир биридан фарқ қиласди:

1. Пуштисизлик - урғочи ва эркак ҳайvonларнинг ноқулайшароитларда сақланиши туфайли насл бериш хусусиятларининг издан чиқиши;

Қисрлик - урғочи ҳайвонларда ўтган йил давомида режалаштирилган болани олинмаслиги.

2. Пуштсиз ҳайвонлар деганда туққандан сўнг бир ой давомида уруғланмаган она ҳайвонлар, физиологик жиҳатдан етилгандан кейин бир ой ичида уруғланмаган урғочи ҳайвонлар тушенилади;

Қиср ҳайвонлар деганда хўжалик йилида бола бермаган (туғмаган) катта ёшдаги ва физиологик етилган (бала бериши режалаштирилган) ёш ҳайвонлар тушенилади.

3. Пуштсизлик - биологик хусусият бўлиб, ҳар бир ҳайвонни текшириш орқали хўжалик йилининг ҳар бир кунида ҳисобга олиниши мумкин;

Қисрлик - эса иқтисодий кўрсаткич бўлиб, уни фақат хўжалик йили тугагандан кейин ҳисоб-китоблар ва инвентаризасия натижаларига қўра аниқлаш мумкин.

4. Пуштсизликни тугатиш билан ҳар бир она ҳайвондан бўғозлик ва бўғозлиқдан кейинги давр учун керакли муддатларда бола олишга эришилади;

Қисрликни тугатиш билан ҳар 100 бош сигирдан 100 бош бузоқ олишга эришилади.

Бепуштликнинг сабаблари хилма-хилдир. Бепуштлик урғочи ёки эркак ҳайвонлардаги етишмовчиликлар ва организм билан ташқи муҳит ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг бузилишига боғлиқ. Урғочи ҳайвоннинг ҳаёти давомида ташқи муҳитнинг нокулай таъсири уни вақтинча ёки бир умр қиср бўлиб қолишига сабаб бўлиши мумкин (Интернет маълумоти).

Қорамолчиликнинг сутчилик йўналишига ихтисослашган хўжалик юритувчи субектларида молларнинг физиологик мейёрлар асосида ўз вақтида куйга келмаслиги, уруғланмаслиги оқибатида аввало бузоқ олиш сони камлиги ҳисобига ҳамда сут ишлаб чиқариш кўрсаткичи, унинг сифати пасайиши натижасида хўжаликда иқтисодий танглик юзага келади. Юқоридаги физиологик жараённинг сурункасига, изчил давом этиши хўжалик рентабиллик кўрсаткичларига таъсир этиб, хатто банкротлик ҳолатига олиб келади. Бу эса энг аввало жамиятда инсонларнинг физиологик нормал овқатланиш кунлик истемол саватчасига киритилган, суний йўл билан ишлаб чиқариш мумкин бўлмаган, алмашиниб бўлмайдиган табиий сут ва сут махсулотлари, гўшт каби махсулотларнинг давлат ички эҳтиёжининг қоплай олмаслигини юзага келтириши мумкин. Қайта ишлаш корхона ва ташкилотларда ҳом ашёнинг тақчиллигига, қорамолчилик йўналишда фаолият олиб борувчи фуқоролар орасида ишсизликнинг ортишига, камбағаллик кўрсаткичининг юқорилашига сабабчи бўладиган омил саналади.

Шунингдек, бепуштлик селексия ишларининг кечикиши, насили ёки фойдали ирсий кўрсаткичлари юқори бўлган, иқлимлашган подани яратиш ва мавжудларини сақлаб қолиш каби ижтимоий-иктисодий аҳамиятга эга бўлган касалликлар қаторига киради.

Хулоса. Адабиёт маълумотларининг таҳлили ва шахсий кузатишлардан шу нарса маълум бўладики, Республикаизнинг чорвачилик фермер хўжаликларида сигирларда орасида асосан моддалар алмашинуви бузилиши билан ўтадиган алиментар характердаги бепуштликнинг кенг тарқалганлигига

қарамасдан, бу касалликнинг сабаблари, экологик ҳолатнинг ва чорвачиликни юритишининг ўзгариши билан боғлиқлиги, барвақт диагностика қилиш, гурух усулида профилактика қилиш чора-тадбирлари тўлиқ ишлаб чиқилмаган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947 07.02.2020 й., [хттп://www.lex.уз](http://www.lex.uz)
2. Мирзиёев Ш.М. "Чорвачилик тармоқларини давлат томонидан янада қўллаб-куватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-5017 21.03.2021 й., [хттп://www.lex.уз](http://www.lex.uz)
3. Ата-Курбанов Ш.Б., Б.М.Ешбуриев, Сигирлар ва уруғлантириш ёшидаги таналарни сунъий уруғлантириш бўйича тавсиялар. Зооветеринария журнали. 2009, №5. Б. 23-25.
4. Студенсов А.П., Шипилов В.С., Никитин В.Я. и др. Ветеринарное акушерство, гинекология и биотехника размножения. Москва, Колос, 2000.

ФАСЦИОЛЁЗ КАСАЛЛИГИНИ ДАВОЛАШДА ФАСКОЦИД ПРЕПАРАТИНИ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Арзиев Х.Ю., Ерниязов К.Б., Бахиев Т., Рахимов Х.

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети Нукус филиали

Аннатация. Ушбу мақолада Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа туманидаги “Амир оқ чашма” фермер хужалигига қорамоллар орасида фасциолёз касаллигини ўрганиш учун олинган тезак намуналарини гельминтоовоскопиянинг кетма-кет ювиш усулида текшириш ва даволашда Фаскоцид препаратининг даволаш самарасини аниқлаш бўйича ўтказилган тадқиқотларниг натижалари келтирилган. Олинган натижаларга кўра бу хужаликда қорамолларнинг фасциолёз билан заарланиши 16 фоизга Фаскоцид препаратининг даволаш самараси эса 80 фоизга тенг бўлди.

Калит сўзлар. Гельминт, паразит, фасциолёз, гижжасизлантириш, фаскоцид, иммуноглобулин, трекматода, цестода, гельминтоз, фауна.

Мавзунинг долзарблиги. Бугунги кунда Республикамизда аҳоли сонини кескин ортиши натижасида чорвачилик маҳсулотларига бўлган талаб даражаси кундан-кун купаймоқда. Мамлакатимизда чорва бош сонини купайтириш ва ҳайвонлардан олинадиган маҳсулотларни миқдорини ва сифатини ошириш ветеринария ходимларининг олдига юксак вазифаларни қуяди. Қорақалпоғистон Республикаси чорва молларидан олинадиган маҳсулотлар етишириш бўйича салмоқли уринни эгаллайди. Мұхтарам Президентимиз Ш. Мирзиёев томонидан 2019 йил 7 ноябрдаги ПҚ-4512 -сонли “Қорақалпоғистон Республикасида чорвачилик тармоқларини жадал ривожлантириш чора тадбирлари түғрисида” ги қарорига мувофиқ Тахтакупир, Бузатов, Қунғирот ва Муйноқ туманлари чорвачиликка